

## Меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси

### Давлат меҳнат инспекцияси

Москва 8 (495) 343-91-90 [git77.rostrud.ru](http://git77.rostrud.ru)

Москва вилояти 8 (495) 343-99-54 [git50.rostrud.ru](http://git50.rostrud.ru)

Санкт-Петербург 8 (812) 746-59-86 [git78.rostrud.ru](http://git78.rostrud.ru)

Ленинград вилояти 8 (812) 612-70-34

### Прокуратура

Москва 8 (495) 683-68-74 [mosproc.ru](http://mosproc.ru)

Москва вилояти 8 (495) 628-27-88 [mosoblproc.ru](http://mosoblproc.ru)

Санкт-Петербург 8 (812) 318-26-34 [procsspb.ru/reception](http://procsspb.ru/reception)

Ленинград вилояти 8 (812) 429 77 55 [prokuratura-lenobl.ru](http://prokuratura-lenobl.ru)

**РФ Тергов комитетининг Бош Тергов Бошқармаси** (меҳнат-га мажбурлаш ва иш ҳақи-ни бермаслик ҳолатларида):

Москва шаҳри бўйича: 8 (495) 690-25-28,

Москва вилояти бўйича: 8 (499) 184-00-65,

Санкт-Петербург шаҳри бўйича: 8 (812) 571-00-40,  
8 (812) 570-66-71

Ленинград вилояти бўйича: 8 (800) 200-97-80.

### Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил

Москвада 8 (495) 957-05-85 <http://ombudsman.mos.ru/>

Москва вилоятида 8 (495) 650-20-38 <https://upch.mosreg.ru>

Санкт-Петербургда 8 (812) 764-00-54 <http://ombudsmanspb.ru>

Ленинград вилоятида 8 (812) 296-60-13

<http://www.ombudsman47.ru/>

## ИЖТИМОЙ ТАШКИЛОТЛАР

**БФ «ПСП-фонд»** (Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятида меҳнат муҳожирларини бепул ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш) – маслаҳат учун ёзиллиш - тел. 8 (812) 337-57-85, 8 (953) 141-31-09, [psp-f.org](http://psp-f.org), [vk.com/pspfond](http://vk.com/pspfond)

**«Гражданское содействие»** (Москвада меҳнат муҳожирларини бепул ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш)

8 (495) 681 18 23, [refugee.ru](http://refugee.ru)

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР

### Ўзбекистон Республикаси

**Тошкент шаҳар «Истиқболли Авлод» ижтимоий-ахборот маркази**

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Катта Миробод к, 4-проезд, 22-уй

Тел/факс: +998 71 254-12-87

Мунтазам тармоқ: +998 95 143-94-94

Наманган: +99895 301 94 94

Урганч: +99899 509 94 94

Нукус: +99895 605 94 94

Тошкент: +99895 143 94 94

[iatashkent2014@gmail.com](mailto:iatashkent2014@gmail.com)

Сайт: <http://ia.uz/>

## Тожикистон Республикаси

### «Центр по правам человека» Ижтимоий ташкилоти

Бош идора

734000, Тожикистон Республикаси,

Душанбе ш. Валамадзода к. 8/1, кв.30

+992 37 227-51-87, +992 918 67-96-06

Юрист қабулхонаси: +992 93 300 13 93

Сайт: [www.muhojir.info](http://www.muhojir.info)

Viber даги алоқа: [muhojir.info](http://muhojir.info)

E-mail: [hrc.tajikistan@gmail.com](mailto:hrc.tajikistan@gmail.com)

### «Ғамхори» Ижтимоий ташкилоти

Тожикистон Республикаси, Хатлон вилояти,

Бохтар (Қурғонтепа) ш, Космонавтлар к., 42/46.

+992 918 88-61-88

E-mail: [bahodur9166@mail.ru](mailto:bahodur9166@mail.ru)

## Қирғизистон Республикаси

### «Ресурсный центр для пожилых» Ижтимоий ташкилоти

Бишкек: +996 770 89-18-06, [kyrgyzstan.rce@gmail.com](mailto:kyrgyzstan.rce@gmail.com)

### ҚРдаги муҳожирлик масалаларига оид маҳаллий ижтимоий кенгашлар (МИК):

1. Иссиққўл вилояти, Қорақўл ш, Ленин к. 152

+996 778 013216; +996 704 013216

2. Талас вилояти, Талас ш., Бердике Ботир к, 198-уй, 5-х.

+996 556 600 295

3. Жалолобод вилояти, Багиш қ. Гагарин к. 60

+996 552 663122; + 996 772 663122

### ОФ «Центр Содействия Международной Защите»

Қирғизистон Республикаси, Ўш ш, Мичурин к. 9.

+996 3222 44-9-60, +996 3222 44-0-69

[center.sip@gmail.com](mailto:center.sip@gmail.com) Сайт: [www.csip.kg](http://www.csip.kg)

## Фойдали ахборот ресурслари

**Меҳнат ва бандлик бўйича федерал хизмат электрон хизматлари** [www.онлайнинспекция.рф](http://www.онлайнинспекция.рф), [www.rostrud.ru](http://www.rostrud.ru)

**migrussia.ru** - «Мигранты и миграция. Межрегиональный информационный портал» - советы по адаптации и защите своих прав

**«МигрАзия+»** - меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари учун мобил илова — ЕАЭС ва СНГ ЕОИХ ва МДХ фуқаролари учун (Android учун).

Трудоустройство и трудовые права (на узбекском языке)

Буклет разработан БФ «ПСП-фонд»

Автор-составитель: Якимов А.Н.

Тираж 2000 экз.

Публикация подготовлена в рамках проекта «Развитие сотрудничества некоммерческих организаций России и Средней Азии, направленного на адаптацию и интегрирование мигрантов в правовое и культурное поле Российской Федерации», реализуемого с использованием гранта Президента Российской Федерации на развитие гражданского общества, предоставленного Фондом президентских грантов.



БФ «ПСП-ФОНД»

# Ишга жойлашиш

# Меҳнат ҳуқуқлари

## Меҳнат муҳожирига ёрдам

2019

Агар Сиз Россияга ишлаш учун келган бўлсангиз, ўз ҳуқуқ ва бурчларингизни билишингиз муҳимдир. Бу Сизга муаммоларга дуч келиш олдини олишга ёрдам беради.

#### Сизга оддий маслаҳатлар ёрдам беради:

- **қонуний ишланг:** ноқонуний иш – қонуннинг жиддий бузилиши. Агар Сиз ишласангиз, Сизда албатта меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўлиши зарур;
- **ўз ҳуқуқингизни билинг:** иш берувчи Сизга Сизнинг шартномангиз нусхасини бериши зарур, унда иш берувчининг имзоси ва муҳри бўлиши ва иш берувчи Сизга ўз вақтида иш ҳақини тўлаши зарур. Меҳнат шартномасига кўра ишлар экансиз, Сиз меҳнат таътилига чиқши, дам олиш ва бемор бўлганда тўловни олиш ҳақига эгасиз;
- **иш берувчингизни билинг:** Сиз ўзингиз ишлаётган ташкилот номи ва манзилини, раҳбарингиз билан алоқаларни (фамилия, исми ва телефон) билишингиз зарур;
- **воситачиларга мурожаат этманг:** эҳтиёт бўлинг – воситачилар Сиздан текин ишчи кучи сифатида фойдаланишлари мумкин;
- **иш ҳақи ҳажми ва уни тўлаш шароитлари ҳақида аниқ гаплашиб олинг:** Сиз қанча ва қайси иш учун тўлашларини билишингиз зарур – бу шартномада ёзилиши зарур. Сиз пулни ё банк картангиздан ё бухгалтериядан олишингиз зарур – шахсан ва имзо қўйиб. Сиз бухгалтериядан ҳисоб варақасини олиш ҳуқуқига эгасиз. Агар Сиздан пул қарз бўлишса – иш берувчидан тилхат талаб этинг ва уни ўзингизда сақлан;
- **нимага қўл қўяётган бўлсангиз, ҳаммасини диққат билан ўқинг, Сизга нусха беришни талаб этинг:** ҳужжатнинг мазмуни ва шарт-шароитларига рози бўлмасангиз, Сиз унга имзо чекмаслик ҳуқуқига эгасиз. Агар ҳужжат шахсан Сизга тегишли бўлса – Сизга унинг нусхасини беришлари шарт;
- **иш берувчига ҳужжатларингизни берманг:** ҳеч ким Сизнинг паспортингиз, ишга патентингиз, суғуртангиз, меҳнат шартномасининг Сизга берилган нусхаси ва бошқа ҳужжатларни гаровга деб олиб қўйиш ҳуқуқига эга эмас, шунингдек, Сизнинг ҳаракатланиш эркинлигини чеклай олмайди, телефон ва бошқа нарсаларингизни олиб қўя олмайди. Агар Сизнинг паспортингизни олиб қўйишса ё эркинлигингизни чеклаб қўйиш-са, бу жиддий жиноятдир: бу ҳолатда полицияга мурожаат этинг!
- **ёрдам учун мурожаат этинг:** агар иш берувчи Сизнинг ҳуқуқингизни бузса, Сизга полиция, прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, меҳнат назорати, суд, ижтимоий ташкилотлар ёрдам беради.

## МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ЭТИШ МУМКИН?

Ишчининг меҳнат ҳуқуқлари РФ Меҳнат кодексига (РФ МК) ёзилган.

### ИШГА КИРИШДАГИ ҲУҚУҚЛАР ҲИМОЯСИ

Меҳнат шартномасини Сизга иш бошлашдан олдин 3 кун кечиктирмасдан бериш-лари зарур. Меҳнат муносабатлари иш бошлаш пайтидан бошланади (РФ МК 67-м).

Иш берувчи меҳнат шартномаси билан қўл остида 5 кундан кўп ишлаган ҳар битта ходим-га меҳнат дафтарчасини расмийлаштириши зарур РФ МК 66-м).

Ишга қабул иш берувчи буйруғи билан расмийлаштирилади. Ишчи ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ нусхасини олиш ҳуқуқига эга (РФ МК 68-м).

Иш берувчи ишчига у ишлаган вақт учун ҳақ тўлаши зарур, ёки ҳатто улар орасида шартнома тузилмаган бўлса-да, бажарилган иш учун тўлайди ( 67.1 ТК РФ МК 67.1-м).

### КЕЛИШИЛМАГАН ИШГА ҲАҚ ТўЛАШ.

Келишилмаган иш – бу иш берувчи томонидан ўз ишчиларини бошқа ташкилотларга меҳнат шартномалари тузмасдан туриб жўнатиш. РФда келишилмаган меҳнат таъқиқланган ( РФ МК 56.1-м).

Хусусий бандлик агентликлари ўз ходимлари меҳнатини бошқа ташкилотлар ё жисмоний шахсларга тавсия этишлари мумкин, лекин бунда риоя этишлари зарур:

- меҳнат шартномасида ходимнинг бошқа ташкилотда ишлашини кўрсатиш;
- ходимни бошқа ташкилотга ишга жўнатаётганда, ҳар қандай ҳолатда у билан қўшимча битим тузиш.

Агар Сиз хусусий бандлик агентлигига мурожаат этган бўлсангиз – бу шартларнинг шартномада кўрсатилишини албатта кузатиб боринг.

**!** **Қонуний ишлаётган барча хусусий бандлик агентликлари Роструд реестрига киритилган – унда Сизнинг иш берувчингиз бор-йўқлигини албатта текширинг:**

<https://www.rostrud.ru/opendata/7712345678-chaz!>

### НОҚОНУНИЙ ИШДАН БЎШАТИШДАН ҲИМОЯ

Сабабини билдирмасдан туриб ишдан бўшатиш таъқиқланган (РФ МК 76-м). Ишдан бўшатиш олдин бажарилган ишлар учун иш ҳақи бермаслик сабаби бўла олмайди.

Агар меҳнат шартномаси тугаса, иш берувчи ишчига барча иш ҳақини ишдан бўшатиш кунида ёки эртасига ходимнинг тўлов ҳақидаги ёзма талабига кўра бериши шарт (РФ МК 84.1 ва 140-моддалари).

Ишдан бўшатиш пайтида ходимга албатта ишдан бўшатмоқ ҳақидаги буйруқни бериш-лари ва ишдан бўшатиш қайд этилган ҳолда меҳнат дафтарчасини қайтиб беришлари шарт.

### ИШ ҲАҚИ БЕРИШНИ КЕЧИКТИРИШ ҲОЛАТИДА ҲУҚУҚ ҲИМОЯСИ

Агар иш ҳақи беришни 15 кун муддатдан кўпроқ кечиктирилса, ишчи иш ҳақи бериш-гунча ишни тўхтатиш ҳуқуқига эга (РФ МК 142-м. 2-қ.). Ишчи бу борада иш берувчини ёзма тарзда огоҳлантириши зарур.

Иш берувчи иш ҳақи беришни кечиктириш ва меҳнатга ҳақ тўлашни бошқа бузишлар учун жавобгарликка эга ( РФ МК 142-м.).

### НОҚОНУНИЙ ЖАРИМАЛАРДАН ҲИМОЯ

Агар ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаса, иш берувчи унга ёзма огоҳлантириш, воговор бериши ёки белгиланган тартибда ишдан бўшатиши мумкин (РФ МК 192-м.). Меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги учун жаримага тортиш ноқонуний!

### ЎЗИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ходим ўз ҳуқуқларини мустақил ҳимоя қилиши мумкин. Иш берувчи ходимларга ўз меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга халақит бериш ҳуқуқига эга эмас, меҳнат баҳси пайтида уларни ишдан бўшата олмайди (РФ МК 380-м.).

Ходим иш берувчидан меҳнат шартномаси, буйруқлар, қўшимча битимлар, ҳисоб варақалари нусхалари ва бошқаларни талаб қилиш ҳуқуқига эга (РФ МК 62-м.). Иш берувчи бу нусхаларни ходимга аризани олгандан сўнг 3 иш куни давомида бериши зарур.

### КАСАБА ИТТИФОҚИ ЁРДАМИ

Ҳар бир ходим касаба иттифоқига аъзо бўлиш ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя этишда унинг қўлловидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

### МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИГА РИОЯ ЭТИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

Меҳнат қонунчилигига риоя этишга меҳнат назорати ва прокуратура жавоб беради (РФ МК 353 ва 356-м.).

МВД РФ ИИБ Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармаси чет эл фуқароларини ишга жойлаштиришда қонунни бузганлиги учун иш берувчини жавобгарликка тортиши мумкин.

Икки ой ва ундан кўп муддатда иш ҳақи берилмаслиги ҳолатида Сиз РФ Тергов комитетига мурожаат этишингиз мумкин: иш ҳақини узоқ муддатда бермаслик жиноят ҳисобланади (РФ Жиноий Кодексининг 145.1 м.).

### СУД ҲИМОЯСИ

Ходим қонун бузиш ҳақида билган пайтидан уч ой давомида судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга, ишдан бўшатиш борасидаги баҳсларда эса – унга ишдан бўшатиш ҳақида буйруқни беришгандан кейин ёки меҳнат дафтарчасини қайтаришгандан кейин бир ой давомида (РФ МК 392-м.).

## ИШ ИЗЛАШ

[www.trudvsem.ru](http://www.trudvsem.ru) – Россияда иш: Меҳнат вазирлигининг бўш иш ўринлари умумроссия базаси

[www.fms.superjob.ru](http://www.fms.superjob.ru) – ФГУП «Паспортно-визовый сервис МВД России»нинг бўш иш ўринлари расмий базаси